

Хушхабар: Самарқандда «Ургут» марказий жоме масжиди очилди



19:00 / 14.03.2021 3263

Юртимизнинг тарихий масканларидан бўлган Самарқандда янги «Ургут» марказий жоме масжиди фаолиятини бошлади. Кеча 13 март куни Ургут туманида барпо этилган марказий жоме масжидининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбирга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, Дин ишлари қўмитаси раиси Абдуғофур Аҳмедов, вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ва Ургут туман ҳокими бошчилигидаги масъуллар иштирок этди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown





Муҳташам янги қурилган масжиднинг умумий майдони 1,06 гектарни ташкил этади. Бино икки қаватдан иборат бўлиб, 10 минга яқин намозхонни ўз бағрига сиғдира олади, шунингдек, масжид Самарқанд вилоятидаги энг йирик масжид ҳисобланади. Хонақонинг ўлчами 55x45 метр қурилган бўлиб, икки четида 18x45 метр ўлчамда айвон ҳам тушган. Масжид гумбазининг баландлиги 36 метр ҳамда масжид четида жойлашган тўртта минораларнинг баландлиги 40 метр қилиб қурилган.

Шунингдек, замонавий таҳоратхона, масжид ходимлари учун барча шароитларга эга бўлган икки қаватли маъмурий бино ҳам қурилган.

Янги масжиднинг ички қисми анъанавий нақшлар билан безатилган.

Айни вақтда Самарқанд вилоятидаги масжидлар сони 62 тага, юртимизда умумий масжидлар сони эса 2085 тага етди.